



ДАВРА СУХБАТИ

БИЗГА ТИНЧЛИК КЕРАК, ОМОНЛИК КЕРАК

Тахририятимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда «Бизга тинчлик керак, омонлик керак» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини газетамиз Бош муҳаррири Сафар Остонов олиб борди.

— Бугун дунё тез ўзгариб, кучли давлатлар геосиёсий манфаатлари тўқнашувига кескин тус олаётгани, халқаро терроризм, экстремизм, эркинлик нуқтидаги «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олиб фикрлайдиган бўлсак, аввало, бу бало-қазолардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, тегишли ҳулосалар чиқариб олишимиз зарурлигини англаймиз, — деди у.

— Огоҳлик хавф-хатардан асрайди, фалокатларнинг олдини олади. Айниқса, тинчлигимизга нималар таҳдид солаётгани, катта-катта давлатларнинг манфаатлари тўқнашган ҳудудларда қандай сиёсий ўйинлар кетаётганини олдиндан кўриб, англаб олинса, уларга қарши чора топишга вақт ҳам, имкон ҳам бўлади. Бу ҳаёт ҳақиқатини Президентимиз такрор ва такрор таъкидлаб келади, тинчликдек бебаҳо неъматни асрашга халқимизни даъват этади, тинчлик учун албатта огоҳлик зарурлигини доимо уқтиради.

9 май — Хотира ва қадрлаш куниди оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда Президентимиз халқимиз эътиборини яна бир бор тинчликни асрашга қаратди. Хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги нотинч замонда нималардан огоҳ бўлишимиз, қандай таҳдидларга қарши курашишимиз лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирди.

Шу кунларда жойларда Президентимиз илгари сурган тинчлик гоёлари қизиқиш билан ўрганилмоқда. «Бизга тинчлик керак, омонлик керак», деган сўзлар юртдошларимиз қалбиди жарангламоқда. Бугунги давра суҳбатини кўзланган мақсад ҳам Президентимиз Хотира ва қадрлаш куниди илгари сурган гоёлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, тинчликни асраш учун нималарга эътибор қаратишимиз зарурлиги ҳақида фикрлашиб олишдир.



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун дунёда юз бераётган турли воқеа-хадисалар, таҳдидлар биргина ўша давлат ёки минтақа ҳаётига дахлдор деган одам адашади. Чегара билмас бу хавф-хатарлар бутун инсониятнинг, тараққиётнинг душманидир. Атрофимизда бўлаётган геосиёсий жараёнлар, диний экстремизм, терроризм, наркобизнес, миллатлараро низолар бутун инсониятга катта офатлар келтиришини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Барчамизга маълумки, «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ушбу ҳужжат Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси асосида парламентга киритилган эди.

Унда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон манфаатлари нуктаи назаридан баҳо берилган. Давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари, вазифалари ҳамда устувор йўналишлари белгиланган. Шунингдек, ташқи сиёсий фаолиятни шакллантириш жараёнлари ва уни амалга ошириш механизмлари кўрсатилган. Умуман олганда, дунёда ва минтақамизда юзага келган вазиятни ҳисобга олган

ҳолда, Ўзбекистоннинг ўз нуктаи назари ифода этилган.

Маъмур концепцияда баён этилган вазифалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз манфаатлари бевосита Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан ҳам-барчас боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очик, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб келган. Минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишининг тарафдори бўлган. Бунинг ўзи ҳам давлатимиз доимо тинчлик, тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига содиқлигини англатади.

Парламент аъзолари, кенг жамоатчиликка маъмур қонуннинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тушунтиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш лозим, деб ўйлайман. Тинчликни асраш учун ҳамма баравар ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам йўқ.**



Ахмат ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси проректори:

— Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куниди билан таъкидлаганидек, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тинчлик гоёсидан келиб чиққан ҳолда айрим фикрларни билдирмоқчиман. Маълум бир минтақалар, баъзи мамлакатлар борки, улар йирик қудратли давлатларнинг манфаатлари тўқнашадиган ҳудудларда жойлашган. Марказий Осиё ҳам ана шундай нукталардан бири ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг фикрича, бугун йирик давлатларнинг диққат-эътибори Марказий Осиёга нисбатан бироз пасайган пайтдир. Лекин маълум бир вақт ўтгандан сўнг бу ҳудудга нисбатан жадал геосиёсат бошланиши мумкин.

Муайян бир даврда манфаатлар тўқнашуви содир бўлса, мамлакатдаги ички ресурслар унинг олдини олишга етмай қолиши ҳам кузатишган. Биз бунинг узоқ-яқинидаги айрим давлатлар мисолида кўрдик.

Мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикни сақлашда давлат раҳбарининг хорижий таърифлари, расмий учрашувлари муҳим аҳамият касб этади. Мана, яқинда Президентимиз давлат ташрифи

билан Корея Республикасида бўлди. Ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Бу ташриф нафақат ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий масалалардаги келишувларга эришилгани билан, балки Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни ва нуфузини ошириши билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, ушбу ташрифдан кўзланган бош мақсадлардан яна бири — минтақа ва жамият тинчлиги йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишдир. Шунинг учун ушбу ташрифга халқаро экспертлар, АҚШ, Россия ва Европа Иттифоқи алоҳида аҳамият қаратди. Ўзбекистон Президенти нега айнан Корея Республикасига ташриф буюрди, деган саволга келсак, бу Марказий Осиёнинг барқарорлиги билан боғлиқ масалалар. Яъни, мамлакатда тинчликни сақлаш қўшни давлатлар ҳамда дунёдаги мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамжиҳатлиги, давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларига ҳар томонлама боғлиқдир.

Марказий Осиёда манфаатлар мувозанати таъминланган тақдирдагина барқарорликни сақлаб қолиш мумкин.

Бу мувозанатни қуришда интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятга эга бўлган мутахассисларнинг ўрни каттадир.

Тинчлик тараққиёт билан янада мустаҳкам бўлади. Замонавий бозор муносабатлари анъанавий қоидаларга бўйсунмайди. Президентимиз бир чизиқда халқаро ташкилотларда бизнинг ёшларимиз фаолият кўрсатадиган пайт келди-ку, деган фикрни илгари сурди. Бунда чуқур маъно бор.

Мана, ҳозирги вақтда ҳар бир мамлакат жаҳон рейтингига юқори ўринни эгаллаб турган университетларда ўқийётган ўзининг талабалари сонини ҳисоблаб бормоқда. Халқаро ташкилотларда қайси мамлакат фуқаролари кўпроқ фаолият юритса, ўша мамлакатнинг манфаатлари халқаро миқёсда ишончли ҳимоя қилинади. Фарзандларимизнинг таълим-тарбия даражаси ўзимизнинг қўлимизда. Бугун Ўзбекистонда халқаро университетларнинг сони еттигача етди. Демак, ёшлар халқаро стандартларга мос равишда таълим оляпти.

Назаримда биз, аввало, мана шу халқаро вазиятни, унинг баъзи нуқталарини экспертлар даражасида ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиб туришимиз керак. Бундай муҳокамаларда билдирилган фикрларни халқимиз, кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари фаоллик кўрсатиши зарур, деб ўйлайман. Бу жамиятимизда эркин ва мустақил фикрлашни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

► Давоми 2-бетда.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

■ 2014 йилда Давлат бюджетидан ижтимоий қўмакка муҳтож кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга 126,2 млрд. сўм маблағ ажратилиб, шундан кексалар ва ногиронлар учун санаторийлар ҳамда ногиронлар учун интернат-уйларини сақлашга 57,0 млрд. сўм, кичик ёшдаги ногирон болалар учун интернат-уйлар таъминоти 17,7 млрд. сўм, ногиронларнинг реабилитация марказлари таъминоти 10,7 млрд. сўм, ногиронларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш харажатларига 8,6 млрд. сўм, уйда ижтимоий ёрдам хизмати харажатларига 19,9 млрд. сўм маблағ, қолган 12,3 млрд. сўм эса ижтимоий таъминот билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилган.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИДА

мутасадди вазирлик ва идоралар,
ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш
муҳим аҳамиятга эга

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси масалалари муҳокама этилган ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ахборот ва бошқа маълумотлар тақдим этилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар бўйича **Молия вазирлиги ўринбосари Мубин Мирзаев** ахборот берди.

Таъкидлашчи, 2014 йилги иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифаларининг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида ўзининг барқарор суръатларини, макроеқтисодий мувозанатни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.

2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга ошган. Инфляция даражаси прогност кўрсаткичидан паст бўлган (6,1 фоиз).

Давлат бюджетининг 2014 йилдаги харажатлари

(давлат мақсадли жамғармаларисиз) **31 425,4 миллиард сўмни** ташкил этган.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 18 493,8 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 58,8 фоизи миқдориди маблағ ажратилган. Бу мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида нисбатан 12,8 фоизни ташкил этади.

Ўтган йили аҳолининг реал даромадлари 10,2 фоизга ошган, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23, 2 фоизга кўпайган.

ЎзХДП фракцияси аъзолари минтақавий, тармоқ дастурларининг амалга оширилиши натижасида 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари муваффақиятли бажарилганини қайд этди. Хусусан, ўтган йили иш ўринларининг 60 фоиздан ортиги қишлоқ жойларда очилгани ҳудудларда ижтимоий вазиятни барқарорлаштиришда муҳим ўрин тўпти таъкидланди.

3 ►

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Х «Шарқ тароналари»

халқаро мусиқа
фестивалига қизғин
тайёргарлик
кўрилмоқда



3 ►

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАРИ

ҳеч кимдан кам эмасликлари ва кам бўлмасликларини амалда намоён этишмоқда

Тарғибот таъсирчан бўлса, партияга хайрихоҳлар кўпаяди

■ ДАВРА СУХБАТИ

БИЗГА ТИНЧЛИК КЕРАК, ОМОНЛИК КЕРАК



Шарбат
АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси
ўринбосари:

— Чиндан ҳам, юқорида тўғри таъкидланди. Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўқоқларининг пайдо бўлиши жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Мамлакатлар иктисодиёти орқага кетмоқда, иш ўринлари қисқармоқда, инсоннинг олий ҳуқуқлари, муқаддас қадриятлари поймол қилинмоқда.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан «Кўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий ҳикматга амал қилиб, афгон можа-росини тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу муаммонинг доимо эътибор марка-зида тургани, давлатимиз раҳбари нуфузли халқа-роқ минбарларда афгон муаммосини бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамия-тига такрор ва такрор мурожаат қилаётгани бар-чамизга маълум. Халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти учун барча имкониятлар ишга солинаётга-ни ҳаммамизни қувонтиради.


Биз тинчликсевар халқмиз. Уйимиз, маҳалла-миз, юртимиз тинч бўлса, хотиржам меҳнат қилиб, ҳар қандай ютуқ ва маррага ўз кучини билан эришамиз. Одамнинг онги, фикрлаши, хаё-ли тоза бўлса, уни ҳеч қандай куч ўз домига тортолмайди.

Бугун мамлакатимиз тинч, одамлар бемалол ишлаши, орзу-ниятларига етиши учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Бу одамзод учун энг буюк неъмат, улуг бахт аслида.

Атрофга назар ташласак, ҳозир айрим дав-латларда болаларни боғчага, мактабга юбориш, ишга бориб-келиш ҳам катта муаммага айлан-ган. Кўчага чиқишга одамларнинг юраги дов бер-майди.

Шу боис тинчликни қадрига етиш борасида кўпроқ тарғибот ишларини олиб боришимиз ке-рак. Партиямиз дастурида ҳам тинчлик-осойиш-талиқ, эл-юрт фаровонлиги, халқимиз ўртасида-ги ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш маса-лалари алоҳида ўрин олган.

Қаерда, қайси соҳада меҳнат қилишимиздан қатъи назар ҳар биримиз тинчликни асраб-авай-лашга, уни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шунинг учун партиямиз таш-килотлари, депутатлар жойларда бу масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда. Турли маффу-ра ва қарашлар авж олган ҳозирги замонда ин-сон онгу-тафаккурини бузғунчи ғоялар билан забт этишга бўлаётган ҳаракатларга бепарво қараб бўлмайди. Шу боис аҳоли, айниқса, ёшлар ора-сида тарғибот-тушунтириш ишларини кенг қўла-да олиб бориш долзарб вазифаларимиздан би-ридир.



Худойберди
ТУХТАБОВ,
Ўзбекистон халқ
ёзувчиси:

— Умуман, гоҳ-гоҳ фикрловчи, мулоҳаза қилу-чи кишилар тўплашиб, юртимиздаги тинчлик-то-тувлик, фаровонлик тўғрисида фикр алмашгани яхши. Мана бу борада телевидениеда ҳам тур-ли кўрсатувлар, бадий ва ҳужжатли фильмлар бериб бориляпти. Бу, албатта, инсонларни юр-тимиз осудалигининг қадрига етишга ундайди.

Куни-кеча Ғафур Ғулум боғида болалар ки-тобхонлигига бағишланган тадбир бўлди. Китоб байрамида ҳамма қатори китобларни қизикчи томоша қилдим. Шундай китоб байрамнинг ўтказилаётганлиги яхши, бироқ болалар учун ёзилган китобларнинг камнамолиги мени ўйга толдирди. Ахир, ёш авлод Ватанга меҳр-мухаб-батли, тинчлик-хотиржамликнинг қадрига ета-диган бўлиб камол топишда адабиётнинг ўрни бекиёс эмасми?!

Тинчлигимизга хавф солаётган таҳдидлардан бири оммавий маданиятдир. Унинг турли хил кўринишлари бор. Улар сўроқсиз тафаккурга ки-риб олади. Айниқса, интернет сайтларида оммавий маданият хуружи авж олган. Бунга қарши кўп китоб ўқиган, тафаккури кенг, ғоявий имунитети мустаҳкам ёш авлодгина кураша ола-ди. Бу ҳислатларга болаларимиз фақатгина кўп ўқиб ва билим эгаллаш орқали эга бўлишади.

Президентимиз zluo.net интернет тармоғини ташкил қилиш ҳақидаги фикрни илгари сурган-да, ёшларимизнинг тармоқ орқали дунёда бўла-ётган маънавий ва сиёсий жараёнлардан боха-бар бўлиб боришини ҳамда жаҳонга бўйлашиб фикрлашларини ният қилганди. Бунинг натижа-сида ёшларимиз маънавияти, ютуқлари анча юқориламоқда. Жаҳон фан олимпиадаларидаги, спортдаги ғалабалар бунга мисолдир.

Бугунги ривожланган замонда болаларимиз нима билан шугулланыпти, деган савол мени кўп ўйлантиради. Бири китоб ўқияпти, иккинчиси ин-тернет билан машғул. Шу нарсага эътибор кара-тиш керакики, болалар китобхон бўлса оқу-қора-ни ажрата билади. Негаки китоб қалбларга ёруғ-лик олиб келади.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Биз ҳар қандай таҳдидлардан ўз вақтида огоҳ бўлиб, уларга қарши зарур чораларни кўрмоғимиз лозим.



Анвар қори ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар бош
имом-хатиби:

— XXI аср — мураккаб аср. Юртбошимиз мустақиллиги-мизнинг илк йилларидан тинчлик сиёсатини илгари сурди. Ҳар бир чиқишларида гапни тинчлик ҳақидаги фикр билан бошлайди. Ҳозир хал-қимизнинг қалбига ҳам шу рух чуқур сингиб кетди. Бугун халқимиз фақат тинчлик би-лан ҳаёт бардавомлигини яхши билади, юрак-юракдан ҳис қилади.

Юртбошимиз «Бизга тинч-лик керак, бизга омонлик ке-

рак», деб қайта-қайта таъкид-лаганининг замирида чуқур маъно, катта мақсад ётади. Негаки тинчлик бор жойда ба-рака, тўйлар, байрамлар бўла-ди. Президентимиз ҳар сафар бошқа мамлакатларга борган-ларида ҳам бугун дунёда энг муҳим масала тинчлик, яхши-лик бўлиши кераклигини, ал-батта, таъкидлаб ўтади.

Бугун дунёдаги тинчликка раҳна солаётган энг асосий таҳдид терроризм, экстре-мизм. Бугун шарқ оламида шу

даражада мусибатли воқеа-лар содир бўлмоқдаки, беих-тиёр хайратга тушасан киши. Энг ачинарлиси, ана шу қонли урушларга кўп ҳолларда му-қаддас Ислом дини ниқоб қилиб олинмоқда. Аслида Ислом динининг бу қон тўкиш-ларга мутлақо дахли йўқ. Исломда одам ўлдириш, қон тўкиш қораланади, оғир ғуноҳ саналади. Исломнинг ўзи тинчлик, дегани. Ассалому-алайкум, дегани сизга тинч-лик-хотиржамлик тилайман, дегани. Исломда тажовуз йўқ.

Мамлакатимизда диний бағрикенглик бўлгани боис бир неча динга эътиқод қилу-чи миллат ва элатлар ба-ҳамжихат, тинч-тотув яшаш-моқда. Муқаддас динимиз-нинг амалларини бажариш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга қўролган экстремистик ташкилотлар тинчлигимизга таҳдид қилиш-га уринаяпти.

Эътиборга молик яна бир жиҳат борки, буни назардан четда қолдириб бўлмайди. Юртимизда ёшларимизнинг диний ва дунёвий билимла-рини янада ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Тинч-ликка таҳдид солувчи ташқи кучлар, аввало, ёшларнинг маънавиятини бузишга, онги-шуурини эгаллашга уринади. Ёшларни бундай тажовузлар-дан асраш учун уларнинг соф-дин ҳақидаги тушунчаларини бойитиш лозим. Ана шунда фикрга қарши фикр билан ку-раш олиб бора олади.

Жамият — иккита қанотли қуш. Бири маънавият ва ик-кинчиси моддий. Миллий руҳ қудратли тушунча. У қалби-мизда бўлиши керак. Таҳдид-лардан бири ёшларнинг биз-га етти ёш бегона одатларга тақлидга берилишида, деб ўйлайман. Шу маънода мил-лий руҳни кўтаришимиз зар-ур.



Мақсуда
ВОРИСОВА,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси:

— Президентимиз ҳар бир маърузасида халқ-нинг тинчлиги ва омонлиги, осойишталигини ас-раш масаласига алоҳида эътибор қаратиши бе-жиз эмас. Боиси бугунги долғали замонда тинч-лик дунёдаги энг улуг неъмат сифатида эъти-роф этилиб, бу неъматдан баҳраманд бўлиб яшаш бахти қанчадан-қанча давлатлар, халқлар-нинг орзу-армонида айланиб қолмоқда.

Ҳар куни фарзандларимизни ўқишга кузата-миз, боғчага олиб борамиз, ўзимиз ҳам хотир-жам ишга йўл оламиз. Аслида шунинг ўзи катта бахт. Ҳаммамиз кўриб турибмиз, дунёнинг қатор мамлакатларида нима содиқ бўлаётганини. Уйдан чиқишга қўрқаётганлар озми, юрак ҳову-чаб тоғ оттираётганларчи?.. Айрим жойларда янги оловли нуқталар пайдо бўлаяпти, турли ин-килоблар, давлат тўнтаришлари оддий одамларга фақат кулфат келтирмоқда.

Дунёда шундай нотинч вазият давом этаёт-ган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осой-ишталик ҳукм суриб, халқимиз турмуши тобора фаровонлашиб бораётгани қувончлидир. Бунинг асосий сабаби, энг аввало, давлатимиз томони-дан барча таҳдид ва хавф-хатарлардан халқи-мизни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбир-ларнинг ўз вақтида ва тизимли равишда амалга ошириб келинаётгани билан боғлиқ.

Республикамиз минтақамизда ва глобал миқ-ёсда тинчлик ҳамда хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимизда тинчлик, осой-ишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинган, уларнинг иж-роси изчил таъминлаб келинмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»-ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»-ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги, «Мудофая тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республи-касининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси-ни тасдиқлаш тўғрисида»-ги қатор қонунлар халқ-имиз осойишталигини таъминлашда муҳим та-рихий аҳамиятга эга бўлмоқда.



Меҳриноз АББОСОВА,
Ўзбекистон Давлат
жаҳон тиллари универ-ситети талабаси,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
соҳибаси:

— Президентимизнинг «Ўзбекистон муста-қилликка эришиш оstonасида» китобини ўқиб, бугунги кунларга осонликча етиб келинмагани-ни чуқур англаб етдик.

Давлатимиз раҳбарининг, тинчлик учун қўрсатган жасоратини, бу замон ўз-ўзидан бўлмаганини шу китоб орқали билдим. Яқинда интернет орқали бир хабар тарқалди. Маълум бўлишча, АКШнинг Колумбия университети со-циологари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказил-ган. Унга кўра, юртимиз маъзуру рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса би-ринчи ўринни эгаллаган. Бунга ўз-ўзидан эри-шилгани йўқ, албатта. Мамлакатимизда ҳукм су-раётган тинчлик, олиб борилаётган оқилона сиё-сат, халқимизнинг фидокорона меҳнати самара-сидир.

Яқинда юртимизнинг бир гуруҳ ёшлари «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шоири остида Бухо-рода бўлиб қайтишди. Тенгдошларим қатори мен ҳам у ерга бордим, биз кўп мулоқотларда бўлдик. Ҳўш, Ўзбекистон фарзандлари нима дейди? Улар ҳаётдан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ яшапти. Мана гуруҳ ва ифтихор бағишлайдиган энг му-ҳим нарсаси. Бундан кўнглим бир олам қувончга тўлди. Ана шундай юрт фарзанди эканлигимдан, ана шундай мустақил фикрли тенгдошларим бор-лигидан беҳад шодландим.

Оч-назорликда, кўча-кўйларда сарсон бўлиб юрган ёшлар камми бу дунёда? Биз уларни кўриб фикр қилишимиз, ўтаётган ҳар бир бахтли дақи-қамизнинг қадрига етишимиз керак бўлади.

Юртбошимиз ҳар чиқишларида бизга катта ишонч билдиради. Кимларнинг авлоди экани-мизни унутмаслигимизни таъкидлайди, мар-рани баланд олишимизни айтди, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни уқтиради.

Давлат раҳбарининг бизга билдирган бу ишончи ҳар бир ёшни руҳлантириши, масъулият-ни ўз зиммасига олишга ундаши шубҳасиз, ал-батта. Боболаримиздан мерос қолган ана шу буюк тупроқни кўз-қорачигидек асраш ҳар би-римизнинг бурчимизга айланиши керак. Бизни қўллаб-қувватловчи, эзгу мақсадларимизга қанот бўлғувчи мустақил, тинч ва осойишта Ватани-миз, халқимиз бор.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Лазиза ШЕРОВА,
Бобур ЭЛМУРОДОВ
тайёрлади.



Фотима МЎМИНОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
профессори:

— Янги аср ўзи билан ян-гича қарашларни, ғояларни, турмуш тарзини олиб келга-нига ҳаммамиз ғувоҳ бўлиб турибмиз. Бир сўз билан айт-ганда, бугун фақат бой ўтми-

шимиз билан фахрланиб яшашнинг ўзи камлик қила-ди. Энди ўзимизни, ўзлиги-мизни намоён қилиш фурса-ти келди. Берунийнинг бир асарида шундай сўзлар бор:



Нигора ЭШМЕТОВА,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг тинчлик ҳақидаги фикрлари ҳаммамизни чуқур ўйлаб, му-лоҳаза қилишга ундайди. «Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршилиқларни фақат-гина сиёсий йўл билан, тинч-лик йўли билан ҳал этиш та-рафдоримиз», деди давлати-миз раҳбари. Яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Бу сўзларда халқи-мизнинг мақсад-муддаоси, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт фал-сафаси мужассам эмасми?..

Партия вакили, депутат бўлганим учун кўпроқ одам-лар орасида бўламан, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлишга ҳаракат қиламан. Бу-гун халқимизга нима керак? Албатта, энг аввало, тинчлик.

Инсон қачон ўзини бахтли ҳис этади? Қачон фарзандла-ри келажаги, тақдирининг кўнгли тинч бўлса. Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу унинг тинч яшаш ҳуқуқидир. Тинч-лик бўлмаган жойда инсон

ҳуқуқи паймол этилади, орзу-мақсадларга етиб бўлмайди. Шукрки, юртимиз тинч. Орзу-хавасга етиш учун кат-та шароитлар бор бизда. Ана шу ёруғ ва осуда кўнларнинг қадрига етсак, истиқболимиз шунча юксалади.

Менимча, ҳозир кўплаб давлатлар тинчлигига раҳна солаётган миссионерлик ҳаракати ҳақида фуқаролари-мизни огоҳ этишимиз зарур.

Бундан ташқари яна бир масала. Менинг назаримда, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига янада жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Айниқса, ёшлар ишсиз бўлса, осон йўл билан пул топишга ўтади, бекорчиликдан бошқа нарсалар ҳаёлини банд эта-ди, ўзгалар таъсирига тушиб қолади.

Халқимиз орасида, ўтган давр мобайнида Ватанимиз босиб ўтган йўлни, амалга

оширилган тарихий ишларни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, ав-вало, қандай оғир ва машақ-қатли меҳнат эвазига эриш-ганимиз ҳақида суҳбатларни қўпайтирсак, мақсадга муво-фиқ бўлади, деб ўйлайман. Энг муҳими, бугунги кунларга етиш осон бўлмагани, айна пайтда рўй бераётган ўзга-ришларни ҳаётини мисоллар, ўзимиз, оиламиз тақдири, фарзандларимиз эришаётган муваффақиятлар мисолида чуқур очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Биз бир нарсани унутмас-лигимиз керак. Тинчликни ҳеч ким яратиш бермайди. Унинг учун курашиш, уни ас-раш, қадрига етиш керак. Чунки инсон хотиржам ва осойишта бўлсагина, мақса-ди сари дадил интилади, ўзини чинакамига бахтли ҳис қилади.

«бу таҳдидларнинг менга дах-ли йўқ, улар ҳақида бошқалар бош қотирсин», деган тушун-ча билан яшашнинг, лоқайд-ликнинг вақти аллақачон ўтган. Зотан, уруш олови ёна-ётган мамлакатлар аҳолиси ўзлари йўл қўйган қўпол хато-ларнинг, антропо бировлар-нинг ногорасига ўйнашининг жабрини тортаяпти.

Сир эмас, жаҳонда халқ-ларнинг тинчини бузаётган гу-руҳлар ва кучлар ишонувчан ёшлардан фойдаланмоқда. Бу билан нафақат бугунги кун, балки келажақ ҳам вайрон қилинишни бундай ёвуз куч-лар жуда яхши англайди.

Юқорида тўғри айтилди.

ротлар жойлаштирилади. Уларнинг ичда инсонларни яхшиликка қорлайдигани ҳам, тубанликка бошлайдигани ҳам бор.

Сир эмаски, қанча ёшлар бир-бирлари билан интернет орқали пинхона танишмоқда, бир-бирларини синамай, билмай дўстлашмоқда. Ачи-нарлиси, бирор марта ҳам кўрмаган суҳбатдошига ўзи-нинг сирларини очмоқда. Бундай ёзишмалар интернет хотирасида узоқ вақтгача сақланади ва хоҳлаган вақт-да бу сирлардан огоҳ бўлиш, керак бўлса ғараз мақсад-ларда ҳам фойдаланиш мум-кин.

Бугунги кунда юртимизда оддий мактаб ўқувчиси ҳам

Биз фарзандларимизда мил-лий гуруҳ, мустақил фикр ва дунёқарашни шакллантири-шимиз зарур. Фикримча, бу-нинг учун оила муҳитини ях-шилаш керак. Хоҳлаймизми, йўқми бола дастлабки тар-бияни, ҳаётга қарашни, илк сабоқларни оиладан олади. Йигит-қизларнинг онгини, мустақил тушунчасини бойи-тиш ишларини фақат таълим даргоҳларида олиб бориш билан чекланмаслик керак. Бу борада ота-оналарнинг ҳам ёрдами муҳим ўрин тутайди. Биз нафақат мактаб ва кол-лежларга, балки оилаларга ҳам кириб боришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

хорижий тилларни билади ва мулоқот қила олиш имкония-тига эга. Демак уларнинг иж-тимоий тармоқлардаги буз-ғунчи ғоялар таъсирига ту-шиб қолиш эҳтимоли юқори. Биз ҳар қандай шароитда ҳам таҳдидларга тайёр тури-шимиз, интернет оламида дунё-имизга керагини ола би-лишимиз лозим. Шу йўл би-лан тинчлигимизни сақлаш-га ҳисса қўшган бўламиз. Демак олдимизда турган му-ҳим вазифалардан бири, ав-вало, ёш авлоднинг интернет-дан фойдаланиш саводхон-лигини оширишимиз керак. Бу иш оиладан, бошланғич мактаб давридан оқималга оширилса, мақсадга муво-фиқ бўлар эди.

Х «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида Маврики, Уганда, Бутан, Коста-Рика, Мали, Перу ва Эквадор каби етгита давлат вакиллари биринчи марта иштирок этади.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

2015 йилнинг I чорагида ҳам юртимизда ялпи ички маҳсулот ўсган, шунингдек, sanoat маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми кўпайган.

Давлат бюджети ижросида

мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг I чорагида 141 мингдан ортиқ жумладан, қишлоқ жойларда 88 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани бево-сита ЎзАДП электорати манфаатлари ҳамда дастурий мақсадлари рўйбига хизмат қилади.

Саттор Раҳматов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзАДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз Давлат бюджети ижросида мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини қайд этади. Жумладан, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ишлари изчил ва

бошқа қатор масалалар ўртага ташланди.

Давлат бюджети ижросида мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, молиявий интизомга риоя этилиши ҳамда Бюджет кодекси талаблари бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёқуб Умаров,
ЎзАДП фракцияси аъзоси:

— Маълумотда 2015 йил биринчи чорагида Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл ҳамғармаси даромадлари 511,5 млрд. сўм, харажатлари 421,2 млрд. сўмни ташкил қилгани келтирилган. Аммо шунга қарамай, ҳудудлардаги ички йўллар ҳамон талаб даражасида эмас. Аҳолидан бу борада тушаётган муро-

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Х «Шарқ тароналари»

халқаро мусиқа фестивалига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида Самарқандда Х «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Кеча ушбу нуфузли мусиқа форумига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— «Шарқ тароналари» фестивалини бу йил янада юқори савияда ўтказиш борасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган, — дейди **Фестиваль ижрочи директори Тўрабек Махмудов.** — Фестиваль иш-тирокчиларини Тошкентда кутиб олиш, уларни «Афросиёб» тезюрар поездига Самарқандга етказиш масалалари бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Дастлабки иштирокчилар 22 августдан Тошкентга кела бошлайди. Уларнинг пойтахтимиздаги вақтини мазмунли ўтказиш борасида ҳам тadbирлар ишлаб чиқилди.

Фестивалда иштирок этиш истагини билдирганлар кўпчилигини ташкил қилади. Улар орасидан энг яхшиларини танлаш осон кечгани йўқ. Сабаби, бири-бирдан маҳоратли санъаткорлар кўп.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи ошиб бораётганини иштирокчилар сони ва географияси кенгайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин, — дейди **Фестиваль матбуот хизмати раҳбари Сафар Остонов.** — Бу фестивал нафақат Шарқ мамлакатлари, балки бугунга келиб, дунё санъаткорларининг меҳри ва эътиборини қозонди. Бунинг асосий сабаб-



ларидан бири миллий куй ва қўшиқлар кадрланаётган бўлса, иккинчиси ҳозирги нотинч замонда мазкур фестивал дунёнинг кўплаб мамлакатлари вакиллари биллаштириб, дўстликка, тинчликка хизмат қилаётганидир.

Самарқандга фестивал жароғини ёритишга борадиган журналистлар 20 июлга қадар зарур анкетани тўлдириб, ташкилий кўмитага топшириши лозим. Фестивални энг фаол ёритган ОАВ ходимлари фестивал матбуот маркази мукофотлари билан тақдирланади.

— «Шарқ тароналари» фестивали доирасида ўтказилаётган илмий конференцияда жаҳон мусиқа санъатидаги ютуқ ва камчиликлар, бўлаётган ўзгаришлар ҳамда янгиликлар муҳокама этилади, — дейди **Фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган илмий-назарий анжуман раҳбари Рустам Абдуллаев.** — Бу йилги илмий конференция «Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги» мавзусига бағишланади. Бундай мавзунинг танланганига сабаб, тарихдан шарқ халқлари маданияти ва санъати бир-бирига яқин бўлган. Шарқ олимлари томонидан мусиқа илми ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Устоз-

Фестивалда

иштирок этиш истагини билдирганлар кўпчилигини ташкил қилади. Улар орасидан энг яхшиларини танлаш осон кечгани йўқ. Сабаби, бири-бирдан маҳоратли санъаткорлар кўп.

шогирд анъаналарига ҳам айнан шарқда асос солинган. Халқаро анжуманда айнан шу масалалар муҳокама қилинади, мавжуд муаммолар ўртага ташланади, уларга бериладиган ечим изланади. Жорий йилда бўлиб ўтадиган конференцияда 15 давлатдан 20 дан ортиқ мусиқашунос олим қатнашиши кутилмоқда.

— 2014 йил октябр ойида Ташқи ишлар вазирлиги ва эл-чихоналар орқали давлатларга таклифномалар жўнатганимиз,

— дейди **Фестиваль халқаро бўлими раҳбари Ширин Каримова.** — Юздан ортиқ давлатлардан фестивалда иштирок этиш истаги билдирилган хатлар олдиқ. Натижада махсус комиссия улар томонидан жўнатилган дискарни кўриб чикди. Танлаб олинган 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари фестивалда қатнашиши кутилмоқда.

Етти давлатдан эса санъаткорлар биринчи марта иштирок этиш истагини билдирган. Булар Маврики, Уганда, Бутан, Коста-Рика, Мали, Перу ва Эквадор каби давлатлар вакиллари. Бу йил фестивал ўзининг бор ўтказилади. Шу сабабли ўзига хос юбилей фестивалига кўплаб факхрий меҳмонлар қатнашиши режалаштирилмоқда...

— Танловни баҳолаш учун халқаро хайъат шакллантирилди, — дейди **Ўзбекистон халқ артисти, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали хайъат аъзоси Муножот Йўлчиева.** —Тўққизта давлатдан жўнатиб аъзолари келади. Баҳолашда миллийлик, юксак ижро маҳорати, овоз диапазони ва сахна маданияти асосий меъзон ҳисобланади. Биз билмайдиган маданиятлар, ўзига хос ижро услубига эга элатлар дунёда жуда кўп. Барча иштирокчилар

маҳорати холис баҳоланади. Профессинал чикишлар, профессионал ижро безътибор қолмайди, албатта...

Матбуот анжуманида, шунингдек, ЮНЕСКО ишлари бўйича тажрибалирлар Республикаси миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов, халқ шоири, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири Сирожиддин Саййид фестивалга тайёргарлик ишларини муносиви ёритиш бўйича ўз фикрларини билдиришди.

Самарқандда Х «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда олиб борилмоқда. Регистон майдонидаги сахнада олдинги тажрибалардан келиб чиқиб, санъаткорлар ва томошабинлар учун янада қулай шароит яратилади. Қадимий Самарқандда олиб борилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ва кўламли ободонлаштириш ишларида шаҳар аҳолиси ҳам фаол иштирок этмоқда. Фестивални ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш юзасидан вилоят ҳокимлигида ишчи туруш ташкил этилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Темур Аъзам,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Самарқандда Х «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари изчил ва

тизимли асосда давом эттирилатганини муҳим деб билади ҳамда уни қўллаб-қувватлайди.

Агар таққосласак, соғлиқни сақлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ошаётгани кўринади. 2014 йилда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга Давлат бюджетидан 4 507,2 миллиард сўм (ижтимоий соҳага ажратилган маблағнинг 24,4 фоизи) ёки 2013 йилга нисбатан 21,5 фоиз кўп маблағ сарфланган.

Аҳоли соғлигини сақлаш, соғлом авлодни воғга етказиш учун шароит яратиб берилиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига тўла мосдир.

Аммо шунинг ҳам айтиш керакки, жойларда қишлоқ врачлик пунктларини тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, биологларнинг гигиеник қоидаларга мослиқ даражаси, малакали мутахассислар масалаларида камчиликлар ҳамон учраб турибди. Яқинда сайловчилар билан бўлган учрашуларда ҳам ҳудудларда шу муаммолар кўтарилди. Биз, албатта, бу борада ўзимизга муҳим йўналишларни белгилаб олдиқ. Тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг ҳам бу масалаларга янада эътиборли бўлишини сўраймиз.

Йигилишда, шунингдек, ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига ажратилган маблағларни мақсадли йўналтириш, бюджетдан ташқари Пенсия ҳамғармаси мақсади Бандликка қўмақлаштиш давлат ҳамғармаси даромадларини шакллантириш, уларни самарали сарф этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Таълим муассасалари, хусусан, касб-хунар коллежларини ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашнинг янада кучайтириш, айрим ҳудудларда янги қурилган мактабларга жиҳозлар етказиб бериш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарф этилиши ва

жаатлар қамайгани йўқ. Мазкур муаммоларни бартараф этишда республика йўл ҳамғармаси қандай чора-тадбирларни белгиланган? Ажратилаётган маблағлардан фақат марказий йўллар учун эмас, балки ички йўллар таъминотида ҳам кенг фойдаланиш масалаларига эътибор кўчатирилса, аҳолининг нафақат қайфияти, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғулари ҳам юксалади.

Бунёд Эшонкулов,
ЎзАДП фракцияси аъзоси:

— ЎзАДП Сайловоти дастурида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга жиҳдий эътибор қаратилган. Табиийки, бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч ўйлаб кўрмаганимиз, янги қурилатган ёки капитал таъмирланаётган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари биноларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бераётганими? Очиғи, бунга тўла ишонч билан «ха» деган жавобни бериш қийин. Чунки бугун бюджет ва қурилиш ташкилотларининг айримлари қурилиш жараёнида зарур талабларни ҳисобга олмайпти. Масалан, баъзи ўқув бинолари иситиш тизимларида муаммолар бор. Синфхоналар поллари ҳам тахтадан эмас, бошқа хом ашёлардан ишланмоқда. Бу эса болаларимизнинг соғлиқига зарар етказмай қолмайди. Ҳўш, фарзандларимизнинг соғлиғи билан бевоқифа боғлиқ бўлган бу масалаларда назорат ўрнатилганими? Шу ҳақида жиҳдийроқ ўйлаб қурилиш ташкилотларини маъмул эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: ташкилотларнинг реестрига киритилган лудратчи ташкилотлар иштирок этишига рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан айланма маблағга ёки қўрастиб ўтилган маблағни беришга банк қараломасини, ишлаб чиқариш базасига, ташкилот (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меънат ресурслари, мутахассисларнинг маъжудлиги, тановдаги иншоотга ўрнатилган объектларда ишлаш тахрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий

РЕКЛАМА

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

қўйидаги иншоотларга танлов савдоларини эълон қилади

т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи		Бажариш муддати
		ҚҚС билан сўм	ҚҚС сиз сўм	
Лот-31/1	Наманган шаҳридаги 44-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш	451 699 776	376 416 480	4 ой
Лот-31/2	Наманган туманидаги 21-сон болалар боччасини мукамал таъмирлаш	423 505 358	352 921 132	4 ой
Лот-31/3	Косонсой тумани, Косонсой шаҳридаги 14-сон мактабга таълим муассасасини мукамал таъмирлаш	1 020 330 108	850 275 090	6 ой
Лот-31/4	Янгиқўрғон тумани, Нанай ҚФЙ, Нанай қишлоғидаги «Маданият ва аҳоли дам олиш марказини» мукамал таъмирлаш	620 454 529	517 045 441	5 ой

Наманган вилоят Адлия бошқармаси

қўйидаги иншоотларга танлов савдоларини эълон қилади

т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи		Бажариш муддати
		ҚҚС билан сўм	ҚҚС сиз сўм	
1	Поп туманидаги ФХДБ ва нотариал идорасига маъмурий бино қуриш	999 458 110	832 881 758	150 кун
2	Уйчи туманидаги ФХДБ ва нотариал идорасига маъмурий бино қуриш	959 199 971	799 333 309	150 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳар, Луфий кўчаси, 7-уйда жойлашган Наманган вилоят Адлия бошқармаси. Тел: (0369) 227-06-62, факс 227-11-51.

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: тан-

лов савдоларига фақат Қурилиш-лудрат ташкилотлари реестрига киритилган лудратчи ташкилотлар иштирок этишига рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан айланма маблағга ёки қўрастиб ўтилган маблағни беришга банк қараломасини, ишлаб чиқариш базасига, ташкилот (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меънат ресурслари, мутахассисларнинг маъжудлиги, тановдаги иншоотга ўрнатилган объектларда ишлаш тахрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий

лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётган давлат тақдирларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх қўрастасини ҳисобга олишди: қатнашчиларнинг тижорат тақдирларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қўнун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйидаги қўйидаги солиқлар овоз қилинади-ган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақдирларини қатнашчиларнинг тендер тақдирларини

баҳолашда қўрастиб ўтилган солиқ суммаси қўйидаги равишда ҳисобга олинди. Савдода қатнашчи ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо таъминоти — Наманган вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги маълумот буйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, Тел.факс (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мўржаз қўйиш мўмкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпلامнинг нархи - 150 000 сўм

Тақдирлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчига тақдим этишининг охири муддати - оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақдирлар матбуотда эълон чоп этилган кўндан бошлаб ўттиз кўндан кейин, қўйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 22-уй. (Танлов савдолари кўни ўзгариши мўмкин).

Бошланғич нархи: 266 914 957 сўм ҚҚС билан, 222 429 131 сўм ҚҚС сиз.

Муддати - 01.09.2015 йил.

ЛОТ - 7

ЛОТ-7.1. «Фаргона вилояти, Данғара туманидаги 14-сон мактабга таълим муассасасини биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 473 782 316 сўм ҚҚС билан, 394 818 597 сўм ҚҚС сиз.

ЛОТ-7.2. «Фаргона вилояти, Данғара туманидаги 5-сон мактабга таълим муассасасини биносини мукамал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 371 772 091 сўм ҚҚС билан, 309 810 076 сўм ҚҚС сиз.

Муддати - 01.09.2015 йил.

ЛОТ - 4 дан ЛОТ-10 гача бўлган объектларни топшириш муддати 01.09.2015 йил деб ўйинди.



Электр энергияси

газга айлантирилади ва...

Германиянинг Баден-Вюртемберг федерал ерида Қўёш энергияси ва водород тадқиқотлари маркази томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида Германия ва Австрия компаниялари ҳамкорлигида янги технологияда ишловчи станция қуриб фойдаланишга топширилган эди. Мазкур станция айнан қўёш ва шамол энергиясини газга айлантирилади.



Хўш, тайёр электр энергиясини газга айлантириш нега зарур бўлиб қолди, деган савол туғилиши мумкин.

Немисларнинг Фраунгофер уюшмаси матбуот хизматида маълум қилинишича, немис олимларининг қўёш ва шамол электр станциялари ишлаб чиқарган ва фойдаланувдан ортиқча электр энергиясини метан газига айлантириш технологияси шунинг учун зарурки, бу газни захирага йиғиб қўйиш ва кейинчалик ундан яна фойдаланиш мумкин.



■ РИМДА БМТнинг ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИГА (ФАО) АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИ УЛАРНИНГ ОЧАРЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ БЎЙИЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ УЧУН МУКОФОТЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШГАН ВА ЖОРИЙ ЙИЛДА МУКОФОТЛАНГАН 14 МАМЛАКАТДАН БИРИ БЎЛДИ.



■ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ВА НОҚОНУНИЙ АРАЛАШИШ ҲАМДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИГА ДАХЛ ҚИЛУВЧИ БОШҚА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ НАЗАРДА TUTАДИГАН АЛОХИДА XVI' БОБИНИ КИРИТИШ КЎЗДА TUTИЛИМОҚДА.

СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Бокс федерацияси ва Осиё бокс конфедерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган нуфузли мусобақада юз нафардан зиёд спортчи қатнашган. Унда ёш «чарм қўлқоп» усталари ўн уч вази тоифасида рингга кўтарилмоқда.

Осиёнинг умидли боксчилари

пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионатида ғолиблик учун рингга чиқмоқда



— Бугун дунё бокс оламида Ўзбекистон спортчилари эришаётган ютуқлар алоҳида таҳсинга лойиқ, — дейди Осиё бокс конфедерацияси вице-президенти Орузбек Назаров. — Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортини оммавийлигини оширишга берилаётган юксак эътибор туфайли янги-янги истеъдодлар кашф қилинмоқда.

2014 йилда Ўзбекистонлик ёш боксчилар Таиландда ўтган Осиё чемпионатида иккита олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медалга эришиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаганди. Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида эса мамлакатимиздаги терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медални қўлга киритганлиги ўзбек бокс мактаби ўзига хос аъёна ва тажрибага эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Хамид Тангрибергенов бош мураббийлигида бахсларни бошлади. Осиё чемпионатида Халимбек Утегенов, Баходир Баротов, Жаҳонжон Раҳмонов, Муроджон Алиев, Саиджамшид Жаъфаров, Фаррух Илҳомов, Дилшодбек Рўзметов, Қосимжон Қосимов, Аббосжон Мирзаабдуллаев, Профсор Поримша, Яхёжон Саиджонов, Темурбек Саъдуллаев, Билалбек Мирзаарҳимов, Нурган Сериков, Фарход Неъматов, Темур Мержанов, Асадбек Авазов каби умидли боксчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Ҳамюртларимиз мусобақанинг саралаш учрашувларини муваффақиятли бошлашди. Жумладан, вази 48 килограмм бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида ҳамюртимиз Баходир Баротов япониялик Тамура Такуми билан куч сынашди. Уч раунд давом этган учрашувда боксчимиз йирик ҳисобда ғалаба қозонди. 54 килограмм вази тоифасида мамлакатимиз шарафини Саиджамшид Жаъфаров муносиб ҳимоя қилмоқда. У дастлабки баҳсда япониялик Хаято Цудзумини техник нокаутга учратди.

Яна бир ҳамюртимиз Темурбек Саъдуллаев Жанубий Корея вакили Жеонгтае Лиға қарши кечган беллашувда муддатидан олдин ғалаба қозонди. 63 килограмм вази тоифасида БАА вакили Мусо Албусига қарши рингга кўтарилган вакилимиз Темур Мержанов рақибини биринчи раундда техник нокаутга учратган бўлса, 66 килограмм вазида беллашган Дилшодбек Рўзметов киргизистонлик Ойбек Оқилбеовни биринчи раундда мағлуб этди.

— Бўлғуси жаҳон ва Олимпия чемпионлари шу каби мусобақаларда тобланади, — дейди Сидней олимпиадаси бронза медали совриндори Рустам Саидов. — Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Осиё чемпионатини диққат билан кузатиб боришяпти. Чунки 2020 йили Токиода бўладиган ёзги Олимпия ўйинларида қатнашадиган терма жамоа таркиби айнан бугун рингга кўтарилмаётган ўсмирларимиз асосида шакллантирилади. Улар келажакда йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришлари лозим. Осиё чемпионатида рингга чиқаётган ўсмирларимиз нафақат Тошкент шаҳри, балки турли вилоятлардан эканлиги бизни жуда қувонтиради. Бу эса юртимизда бокс спорт тури жадал ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди.

Эркин ХОЛБЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Тарих — фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи,

бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун огоҳлантиришдир

■ Бизнинг халқимизда «Илм билан шуғулланиш — игна билан қудуқ қазиб билан баробар» деган мақол бор. Ана шу игна билан қудуқ қазибилан бор бўлсин. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган инсонлар қалбида буюк даҳолар меросини бутун дунёга намойиш этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайди.

Ислом Каримовнинг «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқидан.

Тарихни ўрганиш энг аввало, қадимий ёдгорликларни тадқиқ этишдан бошланади. Замин қарида яшириниб ётган сир-синоатларни очиш, инсоният ўтмишини кашф этишда археолог олимлар муҳим ўрин тутати. Ана шундай инсонлардан бири Самарқанд давлат университетида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, доцент илмий унвонига эга бўлган, меҳнат фахрийси Неъмат Тошкенбоевдир. У бутун ҳаётини Ўзбекистоннинг қадимги тарихини ўрганишга бағишлаган. Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда игна билан қудуқ қазиди.

Бўлғуси олим Самарқанд давлат университети тарих факультетини имтиёзли диплом билан битирди. СамДУнинг умумий тарих кафедрасида таниқли археолог олим Д.Лев илмий раҳбарлигида ишлагани билан олимлар оғли борди.

Олим илмий фаолиятини Зарафшон воҳаси қадимги тош даври жамоалари моддий маданиятини атрофича ўрганишдан бошлади. У Яхё Ғуломов каби олимлар билан бамаслаҳат ишлади. Экспедицияларда интирик эъти. Бу эса, унинг археолог сифатида шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

ЎЗР ФА археология институти ва Афросиёбдаги музей билнолари қурилишида фаол қатнашди. Академик Яхё Ғуломов раҳбарлигида Афросиёб шаҳарчасида олиб борилган археологик қазимишларда иштирок этди. Ушбу манзил Кўтирбулоқ маконидан 1 километр шарқдаги шу ном билан аталадиган чашма атрофида жойлашган

Неъмат Тошкенбоев ўн йилга яқин Самарқанд тарихи музейи директори лавозимиди меҳнат қилди. Ишдан ажралмаган ҳолда Зарафшон воҳаси бўйича ташкил этилган палеолит гуруҳининг раҳбари сифатида қатор янги маконларни топишга эришди.

Хусусан, ўрта палеолитга оид Кўтирбулоқ, Зирабулоқ, сўнгги палеолитга мансуб Сибоба ва Хўжаманзил маконларидан шу даврга оид материаллар, қўлчилик буюмлари топилиди. Бу ерларда олиб борилган тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам ўз илмий моҳиятини йўқотмаган.

Олим ана шу каби илмий изланишлар асосида Зарафшон воҳаси палеолит даври тадқиқотида бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мазкур илмий иш таниқли мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

У Кўтирбулоқ маконини ўрганиб, тош қуролларнинг босқичма-босқич ривожланишидаги эволюцияни таҳлил қилди. Бу ердан топилган тош индустрия ва ҳайвонот олами қолдиқлари, Зарафшон водийси плестосен даврида табиий ва иқлим жаҳатидан одамзод яшаш ва маданият ривожланиши учун қўлай экологик муҳит бўлгани, табиий жиҳатдан бу ерда кескин ўзгаришлар содир бўлмаганлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Унинг фанга киритган салмоқли янгилликларидан яна бири — бу мустъер даври макони Зирабулоқ ҳисобланади. Ушбу манзил Кўтирбулоқ маконидан 1 километр шарқдаги шу ном билан аталадиган чашма атрофида жойлашган



бўлиб, олим томонидан икки йил давомида ўрганилган. Унинг шарқ томонида милодий IX-XI асрларга оид қаср бўлиб, унинг атрофи қалин пахса девор билан ўралган аниқланди.

Неъмат Тошкенбоев томонидан тадқиқ этилган Омонқўтон, Такаликсой, Гўрдара маконларидан топилган археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зарафшон ҳавзасининг юқори тоғ бағри музофотларида бир неча сайёҳ овчилар ўзларининг мавсумий маконларида яшаб, овчилик билан тирикчилик қилишган. Топилма — тош буюмларининг ясаиш шакл-шамойилларига қараганда, бу гуруҳлар Кўтирбулоқ, Зирабулоқ, Тешиктош, Обираҳмат горлари ва уларнинг атрофларида яшаган жамоалар билан ўзаро алоқалар ўрнатган деган тахмин илмий истеъмолга киритилди.

Олим томонидан кашф қилинган яна бир қизиқарли ёдгорлик сўнгги палеолит даврига тегишли бўлиб, фанда Хўжаманзил номи билан аталади. У Самарқанд шаҳридан 35 км ғарбий-шарқ томонда, Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий этакларида жойлашган Килдон қишлоғи яқинида, Хўжаманзил деган жойдаги қадимги чашма атрофида жойлашгандир. Бу ерда ҳам олим томонидан қазимиш ишлари олиб борилган. Мазкур макондан 250 дан кўпроқ тош буюмлар топилган бўлиб, уларнинг аксарияти сўнгги палеолит

даврига оид меҳнат қуроллари эди. Бу топишмаларнинг аксарияти бирламчи ҳолда сақланган маъдан қатлами билан боғлиқ бўлиб, унинг айрим жойларида қизил бўёқ (охра) ва гулхан излари борлиги кузатишган.

Неъмат Тошкенбоев ўзининг ярим асрдан кўпроқ илмий изланишлари, кенг қамровли археологик тадқиқотлари натижаси «Зарафшон воҳасининг қадимги тош даври маданияти», Тошкент воҳаси археологиясига бағишланган «Қадимги чорвоқ» ҳамда польшалик археологлар билан ҳамкорликда инглиз тилида чоп этилган «Кўтирбулоқ манзилгоҳи» каби монографиялар ҳамда 200га яқин илмий, илмий-оммабоп, мақолалар, ўқув қўланмалари нашр эттирди. Шунингдек, дунёнинг етакчи илмий марказларида ўтказилган халқаро анжуманларда бир неча бор тош даври археологиясига бағишланган маърузалари билан қатнашди. Археологик манбалар асосида кўргазмалар ташкил этди.

— Самарқандда «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилиши биз олимларнинг кўксимизни яна бир қадар кўтарди. Ватанимизнинг бой тарихини бутун дунё билишини, тан олишини, ўрганишини, эътироф этишини, улуг аждодларимизни дунё илм-фанидаги тарихий ўрни тўғри баҳолашини ич-ичимиздан истардик, — дейди Неъмат Тошкенбоев. — Мустақиллик туфайли орузларимиз ижобат бўлди. Илм-фан, таълим ва бошқа барча соҳалар юксалди. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди. Фарзандларимиз, набира, эвараларимиз бахтли, саодатли ҳаёт кечирмоқда. Юртимиз тинч. Барчаси учун яратганга шукр қиламан. 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинганлиги кўнглимизни тоғдай кўтарди. Мамлакатимизда кексалар тажрибаси билан ёшлар шижоати бирлашиб, юртимиз янада обод бўлади. Буларнинг барчаси учун Президентимизга раҳмат...


Шу ўринда улуг испан адаби Сервантеснинг, тарих — фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун огоҳлантиришдир, деган сўзлари ёдимизга тушади. Дарҳақиқат, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқнинг эса келажаги йўқдир.

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ,
Фаррух ХАМРОЕВ

■ Минск шаҳрида дзюдо бўйича Европа очиқ чемпионати ўтказилди. Унда ўттиз тўрт давлатдан 274 нафар спортчи ғолиблик учун тилламега чиқди.

Дзюдочиларимиз совриндорлар сафида

Бу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган уч нафар полвонимизнинг барчаси совриндорлар сафидан жой олди. Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев (+100 кг) барча рақибларини енгиб, финалга йўллангани қўлга киритди. Хал қилувчи беллашувда моҳир полвонимиз германиялик Свен Хейлига очколар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой берди ва шохсупанинг фахрли иккинчи погонасидан ўрин эгаллади.



Терма жамоамиз аъзолари Баҳром Иноятлов (60 кг) ҳамда Фиёсжон Бобоев (73 кг) эса бронза медали билан тақдирланди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ
ЎЗДЖТУ талабаси

ОБ-ХАВО 11-12.06 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+17 / +22 +33 / +38

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+17 / +22 +33 / +38

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+15 / +20 +33 / +38

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+17 / +22 +35 / +40

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+13 / +18 +32 / +37

Тошкент шаҳри

+15 / +17 +34 / +36



Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +24 / +28

Париж +31 / +29

Москва +23 / +23

Мадрид +24 / +24

Пекин +29 / +28

Канберра +16 / +15

Рим +31 / +32

Афина +28 / +29

Токио +27 / +30

Стокгольм +19 / +24

Кейптаун +18 / +18

Қоҳира +32 / +32

Гавана +32 / +30

Вашингтон +34 / +34

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³, 16м³	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³	АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³
КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³	ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4x4) или (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
17 869
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6